

## **Ўтилган мавзуни тақоролаш бўйича саволлар**

- \* 1. Рекреация мақсадлари учун мўлжалланган ва тарихий-маданий ахамиятга молик ерларнинг ҳуқуқий ҳолати қайси қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади?
- 2. Тарихий-маданий ахамиятга молик ерлар таркиби нечта қисмлардан иборат?
- 3. Рекреация мақсадлари учун мўлжалланган ва тарихий-маданий ахамиятга молик ерларнинг ҳуқуқий ҳолатида қандай хусусиятлар мавжуд?

**14-Мавзу:**  
**ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ**  
**ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**  
**(6 соат)**

**РЕЖА:**

- 1. Ўрмон фонди ерлари тўғрисида тушунча ва ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи.**
- 2. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари.**

# **14-Мавзу.1-маъруза: ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИНИНГ ҳуқуқий ҳолати**

**РЕЖА:**

- 1. Ўрмон фонди ерлари тўғрисида тушунча.**
- 2. Ўрмон фонди ерлари ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи.**

# Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Талабалар сони 89	14-Мавзу, 5-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўрмон фонди ерлари тўғрисида тушунча.</li> <li>2. Ўрмон фонди ерлари ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи</li> </ol>
<b>Машғулотнинг мақсади: <i>Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасавурни шакллантириш</i></b>	
Педагогик вазифалар:	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўрмон фонди ерлари тўғрисида тушунча беради.</li> <li>2. Ўрмон фонди ерларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўрмон фонди ерлари тўғрисида тассавурга эга бўлади.</li> <li>2. Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тассавурга эга бўлади.</li> </ol>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий иш,
Ўқитишшарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг	Блиц-сўров

# МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хуносалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	Үқийдилар  Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар  Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса қиласди.</p> <p>Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	Тинглайдилар  Топшириқни ёзиб оладилар

# **МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР**

## **Асосий:**


1. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
- 2.М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Ҳ. Рустамбаева. ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2007.-215 стр.
4. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
- 6.Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи.Т.:ТДЮИ, 2006.-117 б.
- 7.M.Mirzaabdullaeva, A.Miqutov, Z.Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.- Т.:TIMI,2016.-196 б
- 8.Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

## **Қўшимча:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (9-БОБ), Ўзбекистон,Т.:1998
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Ўрмон тўғрисида”.-Т.: Ўзбекистон, 1995
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ости ҳужжатлари

## **Интернет ресурслари:**

1. <http://www.colibri.ru/>;
2. <http://www.Lex.uz>



**Рекреация мақсадлари учун мўлжалланган ва тарихий-маданий ахамиятга молик ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар**

## Қонунлар

## Қонуности ҳужжатлари

### Умумий ахамиятдаги:

- Ўзбекистон Республикаси конституцияси.1992
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Табиатни муҳофаза қилиш түғрисида»,1992
- Узбекистан Республикаси қонуни «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар түғрисида» . 2004

### Махсус ахамиятдаги:

- Ўзбекистон Республикаси ер кодекси. 30.04.1998
- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Ўрмон түғрисида” 15.04.1999
- Ўзбекистон Республикаси қонуни 29.08.1998

Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори  
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА”

- Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2000 йил 5 июнданги 215-сонли қарори  
“Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартиби түғрисида НИЗОМ»
  - “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 ноябрдаги 2005 йил 250-сонли “Ўзбекистон Республикасида ўрмон давлат кадастрини юритиш тартиби түғрисида Низом”

# Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари

«Ўрмон тўғрисида» ЎзР қонуни 2-моддаси

Ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Қорақалпоғистон Республикасида ўрмонга оид муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборат.

# Ўрмон фонди ерларининг вазифаси

Қонуности ҳужжатлари

Ўрмон фонди ерлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва ўзига хос ерлар тоифасига киради. Бу тоифа ерлари экологик аҳамиятга эга бўлиб, жарликларни кенгайишининг олдини олади, сув ва шамол эрозиясидан сақлайди, яъни ўша ерда экологик мухитини яхшилашга ёрдам беради. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июнь 215-сонли қарори ҳамда шу қарори билан тасдиқланган **“Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартиби тўғрисида”** Низом ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўрмон фонди ерларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш хусусияти бу тоифа ерларини давлат кадастрини юритиш тартиби билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 ноябр 2005 йил 250-сонли **“Ўзбекистон Республикасида ўрмон давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”** қарори билан тасдиқланган Низом ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу категория ерларни муҳофазалашга ва улардан оқилона фойдаланиш кадастр тартибини белгилайди.

## ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ ТҮҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Республика ер фонди таркибидаги мухим тоифалардан бири ўрмон фонди ерларидир. Ушбу тоифа ерлари Ўзбекистон ер фонди таркибида мустақил тоифани ташқил этади. Ушбу тоифа ерларининг умумий майдони 2019 йилнинг 01.01 ҳолатига **11195.5 минг га ёки 24.95%ни** ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 8-моддаси 6-бандига кўра,

### ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ ТУШУНЧАСИ

ўрмон билан қопланган


ўрмон билан қопланмаган бўлса хам , ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар

«Ўрмон түғрисида» қонуннинг 4-моддасига кўра ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан қўриқланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА  
ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ**

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	20236,3	45,13	45,08
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	221,4	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	857,1	866,3	1,91	1,93
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	710,4	1,57	1,58
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	14,5	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	11199,5	24,84	24,95
7	Сув фонди ерлари	833,7	836,9	1,86	1,87
8	Заҳира ерлар	10846,8	10807,1	24,16	24,07
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>44892,4</b>	<b>100.0</b>	<b>100.0</b>

Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши  
(% хисобида)



**Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши**

(минг га.хисобида)

Т/р	Республика ва вилоятларнинг Номи	Умумий сифатидан	Жамият сифатидан	Кўп йилиниң дарахтзорлар					Бўйичада	Дарахтзорларни ажойиблаштиришадан	Менори маддаси	Хизматларни сифати	Тошкент шаҳри	Сурʼонданинг	Бонга сабаб								
				шу жумладан:																			
				Жамият	Бўйичада	Маддаси	Менори	Бонга сабаб															
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5751	3,2	0,2				0,2	1,4	735,3	740,1	0,1	1009,2	4001,6									
2	Андижон	7,8	0,6	0,2	0,2				0,3	2,2	3,3		1,6	2,9									
3	Бухоро	633,7	0,3	0,2	0,1	0,1			0,4	207,6	208,5		326	99,2									
4	Жizzах	290,3	3	1,6	1,4		0,1	0,1	0,1	95,4	100,1	0,3	153,8	36,1									
5	Қашқадарё	398,4	2,2	0,3	0,3				1,1	172,8	176,4	0,2	150,2	71,6									
6	Навоий	2908	3	0,2	0			0,2	0,1	1598,6	1601,9	0	1269,3	36,8									
7	Наманган	126,9	0,7	0,4	0,3		0,1		0,1	87,4	88,6	0,3	17,7	20,3									
8	Самарқанд	56,4	2,8	4	3,9			0,1		31,8	38,6	0,5	7,7	9,6									
9	Сурхондарё	324,4	1,5	0,7	0,2			0,5		71,3	73,5	0,5	171,2	79,2									
10	Сирдарё	11,1	2,7	0					0,6	1,6	4,9	0	1,8	4,4									
11	Тошкент	589	1,9	1,1	1			0,1		227,3	230,3	0,1	73,9	284,7									
12	Фарғона	15,2	0,3	1	0,9			0,1		0,4	1,7	0,1	7,1	6,3									
13	Хоразм	87,3	0,2	0,1				0,1		50,9	51,2		32,6	3,5									
14	Тошкент и.																						
	Жами:	11199,5	22,4	10	8,3	0,1	0,2	1,4	4,1	3282,6	3319,1	2,1	3222,1	4656,2									

# Ўрмон фонди ерларининг вазифаси

«Ўрмон тўғрисида» ЎзР қонуни

Ўрмон фонди ерлари бошқа ерларга нисбатан эколгик аҳамиятга эга бўлиб, у тирик мавжудод яشاши учун экологик шароитни таъминлаб, ҳайвонот дунёсини боқадиган, озиқлантирадиган, (хаво) атмосферанинг мусаффолигини, сувнинг мўл-кўл бўлишини, ҳайвонот дунёсининг эркин яшаши ва кўпайишини ҳамда наботат олами ва шифобахш ўсимликларнинг нормал ўсишини кўпайишини таъминлайдиган манбадир.

Чунки, у мавжуд ерлар турли-туман фойдали ҳайвон ва паррандалар, ёввойи мева ва замбуруғлар, қимматли мўйналар, касалликни даволайдиган ўт-ўлану, шифобахш ўсимликларни армуғон этадиган ҳамда сув ва ҳавонинг мусаффолигини ҳамда мўл-кўл бўлишини саклашда, халқ хўжалигини ривожлантиришда улкан ҳисса қўшадиган табиат бойлигидир.

Таъкидлаш жоизки, ўрмон фонди ерлари, экологик аҳамиятга эга бўлиб, (сувни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекрацион), эстетик ва бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Шунинг учун ҳам қадимги Римнинг машҳур жамоат арбоби Цицерон “Ўрмонларни йўқотувчи кишилар жамиятимизнинг душманидир”, деган эди.

## **ДАВЛАТ ЎРМОН ФОНДИ ТАРКИБИ** ("Ўрмон тўғрисида" ЎЗр қонуни 5-моддаси)

давлат аҳамиятига эга  
бўлган ўрмонлар

бошқа идоралар ва юридик  
шахслар фойдаланишидаги  
ўрмонлар

**Давлат ўрмон  
фондида  
бирламчи  
худудий  
бирлик бўлиб  
нима хизмат  
қиласи?**

“Ўрмон  
тўғрисида”  
ЎЗр қонуни  
8-модда

Давлат ўрмон фонди участкалари  
давлат ўрмон фондининг бирламчи  
худудий бирлиги бўлиб, уларнинг  
чегараси, майдони, жойлашган  
манзили, ҳуқуқий режими қайд  
этилган хамда чизма–картографик  
материалларда кўрсатилган  
бўлади

**Ўрмонлар асосан экологик (сувни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреацион), эстетик ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга**

**Ўрмонларнинг  
фойдаланиш  
аҳамияти**

**Ўрмонга бўлган  
мулкчилик**

**Ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан қўриқланади.**

## **Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такорий кўпайтириш соҳасида бошқарувни қайси ташкилот юритади?**

“Ўрмон  
тўғрисида”  
ўзр  
конуннинг  
9-моддаси

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмончилик қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари давлат ўрмон хўжалиги органлари ҳисобланади.

**Ўрмонга оид  
муносабатларни  
тартибга солиш  
соҳасида  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Вазирлар  
Маҳкамасининг  
ваколатлари  
(10-модда)**

ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона  
фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга  
oshiриш

давлат ўрмон фондини тасарруф этиш

ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниqlаш  
тартибини белгилаш

ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тартиби  
ва миқдорларини белгилаш

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан  
фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан  
давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш

ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва давлат ўрмон  
кадастрини юритиш тартибини белгилаш

ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни  
ҳал қилиш

**Ўрмонга оид  
муносабатларни  
тартибга солиш  
соҳасида  
Маҳаллий  
давлат  
ҳокимияти  
органларининг  
ваколатлари  
(11-модда)**

давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон фонди участкаларини бериш

ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат ўрмон кадастри юритилишини таъминлаш

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий кўпайтириш устидан давлат назоратини амалга ошириш

ўрмонлар холатига заар етказган ҳолларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш

ўрмонларда мол боқиш ҳамда ёғочга тааллуқли бўлмаган ресурслардан фойдаланишнинг бошқа турлари нормаларини давлат ўрмон хўжалиги органлари билан биргаликда белгилаш ва тартибга солиш

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий кўпайтириш борасида, аҳолининг маърифатли бўлишини ташкил этиш

ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш

## **Үрмөн фонди ерлари таркибига кирмайдиган ерлар (6-модда)**

1

қишлоқ хўжалигига  
мўлжалланган ерлардаги  
дарахтлар ва тўп-тўп дараҳтлар,  
экинзорларнинг ихота  
дараҳтзорлари, шунингдек  
бошқа дараҳтзорлар ва  
бутазорлар

2

темир йўл, автомобиль  
йўлари, қаналлар ва бошқа  
сув объектларининг  
ажратилган  
минтақаларидағи ихота  
дараҳтзорлари

кўкаламзорлаштириш  
учун эқилган  
ўсимликлар

4

томорқалардаги ва  
боғ участкаларидағи  
дараҳтлар

3

## ҮРМОН ТУЗИШ

(3-боб  
18-модда)

(үрмонларни  
муҳофаза  
қилиш,  
қўриқлашга,  
ўрмон  
хўжалиги ва  
ўрмондан  
фойдаланиш  
оқилона  
юритилишини  
таъминлашга  
қаратилган  
тадбирлар  
тизими )

давлат ўрмон фонди участкаларининг чегараларини  
белгилаш ва давлат ўрмон фондининг ўрмондан доимий  
фойдаланувчилар фойдаланишидаги ҳудудининг ички  
хўжалигини ташкил этиш

топография-геодезия ишларини бажариш ва ўрмонларни  
маҳсус харитага киритиш

давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш

ўрмонларнинг етилиш ёшини белгилаш, ўрмон  
хўжалигини юритиш билан боғлиқ ўрмон дараҳтларини  
кесиш режасини, дараҳтларни кесиш ҳажмини ҳамда  
ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари  
миқдорларини аниқлаш

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, қайта тиклаш  
ва барпо этиш борасидаги ишлар ҳажмини, шунингдек  
бошқа ўрмон хўжалиги ишлари ҳажмини аниқлаш

ўрмон тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг  
амалга оширилиши устидан назорат қилиш

## **Ўрмонларнинг давлат ҳисоби (17-модда)**

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўрмон тузиш лойиҳалари асосида давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан, ўрмон тузиш ўтказилмаган жойларда эса давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш ва текшириш материаллари асосида олиб борилади. Ўрмонларнинг давлат ҳисоби давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ягона тизим бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олиб борилади

## **Давлат ўрмон кадастри (18-модда)**

Давлат ўрмон кадастри ўрмонларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, давлат ўрмон фонди участкаларининг сифат тавсифлари ҳамда уларнинг ўрмондан фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ўрмон кадастри манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш мақсадида ўрмон тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган. Давлат ўрмон кадастри давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ягона тизим бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда олиб борилади.

1-илова

## Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун **БЛИЦ-СЎРОВНОМА**

1. Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?
2. Ўрмон фонди ерлари ва ўрмон фонди тушунчалари қандай фарқланади?
3. Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати қайси норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади?
4. Ўрмон фонди ерлари республика ер фонди таркибида майдони бўйича начанчи ўринни эгаллаган?